

**Ўзбекистон Республикаси  
Банк-молия академияси**

**Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК: 336.14 (575.1)  
336.221.26 (575.1)**

**Абибуллаев Баҳадыр Онгарбаевич**

**Бюджет даромадларини шакллантиришда  
махаллий солиқлар ролини ошириш масалалари**

**08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит”**

**Иқтисод фанлари номзоди  
илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация**

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

**Т о ш к е н т - 2009**

350.1.03.03  
A-17

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида бажарилган.

**Илмий раҳбар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Маликов Тохир Сатторович.**

**Расмий оппонентлар:** иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Олимжонов Одил Олимович;**

иқтисод фанлари доктори, доцент  
**Қўзиёва Наргиза Рамазановна.**

**Етакчи ташкилот:** Ўзбекистон Республикаси Молия  
**Вазирлиги.**


Ҳимоя Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.25.01 рақамли Бирлашган ихтисослашган кенгашнинг 2009 йил "3" июл соат 16<sup>00</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади.

**Манзил:** 100 000, Ташкент шаҳри, Х.Орипов кўчаси, 16-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2009 йил "1" июн да тарқатилди.

**Бирлашган ихтисослашган  
кенгаш илмий котиби, и.ф.н.**

 **Ф.И.Мирзаев.**

## 1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг муваффақияти устувор даражада бюджет даромадларини шакллантириш масалаларининг қай даражада йўлга қўйилгани билан боғлиқ. Иқтисодий ислохотлар самарадорлигини амалга ошириш уларнинг молиявий жиҳатдан асосланганлигига ҳам бевосита боғлиқдир. Бу ҳақда, Президентимизнинг «...баъзи вилоятлар ва кўплаб кишлоқ туманлари бюджетларининг дотацияда қолиб кетаётгани, яъни республика бюджети ҳисобидан таъминланаётгани. ... туманларда маҳаллий бюджет харажатларининг 50 фоиздан кўпроғи вилоят ва республикадан олинadиган дотация ҳисобига қопланаётганини қандай баҳолаш керак?»<sup>1</sup>, деган фикрлари ушбу масалага янада ойдинлик киритати. Чунки, бундай шароитда бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар родини ошириш масалалари алоҳида долзарблик касб этади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг роли сезиларли даражада эмас. Яъни, ушбу тоифага кирувчи солиқлар ҳисобидан маҳаллий бюджетлар даромадларининг 15-17% шакллантирилмоқда, холос. Айрим ҳудудларда эса, унинг салмоғи ҳатто 10%дан ҳам паст даражада эканлиги маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда умумдавлат солиқларидан ажратмалар ҳал қилувчи рол ўйнамоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш босқичида умумдавлат солиқлари тушумларидан Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратмаларнинг нормативлари юридик шахсларнинг фойдасидан олинadиган солиқ бўйича Бухоро, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларидан ташқари барча вилоятлар учун 100%ни, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳамда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар бўйича республикамизнинг барча вилоятлари учун 100%ни (фақат Тошкент шаҳри бундан мустасно) ташкил этмоқда. Худди шундай ҳолатни жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи (Бухоро, Навоий ва Тошкент вилоятларисиз), қўшилган қиймаг солиғи (Бухоро, Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятлари бундан мустасно) ва бошқа умумдавлат солиқлар соҳасида кузатиш мумкин.

Ҳозирга қадар республикамизнинг катор вилоятлари ҳамон дотацион вилоятлар таркибига кирмоқда. Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент ва Фарғонадан ташқари бошқа вилоятларга ҳар йили қатга миқдордаги субвенциялар ажратилиб, уларнинг миқдори охириги йилларда қарийб 1,0 трлн.сўмни ташкил этапти.

---

<sup>1</sup> Қариева И.А. Инсон маърифатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош макссадлар – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2008. – 11 б.

Юқоридаги ҳолатлар куйи ҳокимият органларида боқимандалик кайфиятини шакллантириб, бозор иқтисодиёти талабларига зид бўлган вазиятни вужудга келтириб, ўз манбалари ҳисобидан маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдан моддий манфаатдорлик муносабатларини усайтирмоқда.

**Муаммонини ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий адабиётда маҳаллий солиқлар ҳусусида А.Б.Маманазаров, Б.С.Умаров, Ж.Т.Есмурзаев, Қ.Т.Тожибоевалар илмий-тадқиқот ишларини таъкидлаш ўринлидир. Масалаи Ж.Т.Есмурзаевнинг номзодлик диссертацияси иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш механизмини такомиллаштириш<sup>2</sup>, А.Б.Маманазаровнинг диссертацион иши эса, маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг родини ошириш<sup>3</sup> масалаларига бағишланган. Юқоридаги муаллифларнинг изланишлари тадқиқот сифатида танланаётган мавзуга боғлиқ бўлса-да, уларнинг ҳеч бирида бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар родини ошириш тадқиқот объекти сифатида кўйилмаган ва ўрганилмаган.

Юқорида таъкидланганлар тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилаб, ушбу мавзуда изланишлар олиб боришни талаб этади ва унинг республикамизда олиб борилаётган илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналишларига мослигини кўрсатади.

**Диссертациянинг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** - бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни оқилона ҳал қилишга қаратилган илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг олдига куйидаги вазифалар кўйилди:

- бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг моҳияти, қондалари ва родини оширишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш;

- мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинган солиқнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли ва ушбу тизимда мавжуд бўлган муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш;

<sup>2</sup> Есмурзаев Ж. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ундириш механизмини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси масолида): и.ф.и. ... дисс. автореферати. Тошкент, БМА, 2007. – 20 б.

<sup>3</sup> Маманазаров А.Б. Маҳаллий бюджетларни барқарорлаштиришда солиқларнинг родини ошириш масалалари: и.ф.и. ... дисс. автореферати. Тошкент, БМА, 2002. – 21 б.

- бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар родини оширишнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва уларни илмий-амалий жиҳатдан асослаш;

- бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар салмоғини ошириш ва маҳаллий солиқларни ундириш механизмини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими, шу жумладан, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш жараёнлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** маҳаллий солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантириш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқотни амалга оширишда кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таккослаш ва иқтисодий-статистик усуллар қўлланилди.

**Химояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар** қуйидагилардан иборат:

- бюджет шу жумладан, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш амалиётининг замонавий бозор иқтисодиёти талабларига етарли даражада жавоб бераолмаётганлиги (минтақалар моддий манфаатдорлигининг мавжуд эмаслиги, умумдавлат молиявий ресурсларининг учрашувчан (карама-қарши) ҳаракатдалиги, боқимандалик кайфиятининг устунлиги, субъектив омилларнинг таъсирчанлиги ва бошқалар) ва унинг муқаммал эмаслиги аниқланди;

- бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар родини кучайтириш, икки йўналишда – бюджет даромадларини шакллантиришда уларнинг салмоғини ошириш ва маҳаллий солиқларнинг ундирилиш механизмини такомиллаштириш кўринишида амалга оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди;

- маҳаллий солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги родини оширишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Илмий янгилиги** бюджет даромадларини шакллантиришда солиқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади ва улар қуйидагиларда намоён бўлади:

- иқтисодий адабиётдаги қарашлардан фарқли ўлароқ “бюджет даромадларини шакллантириш” тушунчасига муқаммаллашган муаллифлик таърифи берилди;

- бюджет даромадларини шакллантиришнинг принциплари тизимлаштирилди ва маҳаллий солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги роли баҳоланди;

- бюджет даромадларининг таркиби белгиларига кўра гуруҳланди ва унинг ўзига хос чизмаси ишлаб чиқилди;

- бюджет даромадларини маҳаллий солиқлар ҳисобидан шакллантириш амалиёти таҳлил қилиниб, маҳаллий солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги улушининг озлиги сабаблари аниқланди;

- бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар родини, салмоғини ва ундириш механизмни такомиллаштириш орқали амалга оширишнинг зарурлиги илмий жиҳатдан асосланди;

- бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг салмоғини ошириш ва маҳаллий солиқларни ундириш механизмни такомиллаштириш орқали уларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги родини ошириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертацияда илгари сурилган илмий-назарий ва амалий ғоялар ҳамда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг родини ошириш борасидаги масалаларни ҳал этишда, хусусан, республиканинг бюджет тизимидаги вазиятни комплекс яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган махсус мақсадли давлат дастурларини яратишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртларида “Молия”, “Солиқлар ва солиқка тортиш”, “Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими”, “Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги”, “Бюджетлараро муносабатларни мувофиқлаштириш” фанлари ўқув дастурларини такомиллантириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Нагизларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот ишининг натижалари ва хулосалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (25.11.2008 йилдаги ЁТ/03-02-19/3371 - сонли далолатнома) ва Давлат солиқ кўмитаси (21.11.2008 йилдаги 16/2-035 - сонли далолатнома) томонидан амалиётга жорий қилиш учун қабул қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Диссертация ишининг илмий натижалари “Мамлакат солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш – иктисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида” (2008, Тошкент), “Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане» (2008, Москва) ҳамда “Замонавий халқаро муносабатлар” (2008, Тошкент) мавзуларида ўтказилган халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тошкент Давлат Иктисодиёт университети, Самарканд иктисодиёт ва сервис институти бирлашган илмий семинарларида ҳамда Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий

мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

**Натижаларнинг ўзлаш қилинганлиги.** Тадқиқот ишининг асосий натижалари 2,5 босма табоқ бўлган 8 та илмий мақола ва тезисларда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқот матни 137 бет бўлиб, унда 24 та жадвал ва 7 та расм мавжуд.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Бюджет даромадларини шакллантириш ва маҳаллий солиқларнинг ролини аниқлаш борасидаги илмий-тадқиқот ишини амалга оширишда, аввало, ушбу жараҳга тегишли бўлган катор назарий масалаларга аниқлик киритиб олиш мақсадга мувофиқ. Ана шундай масалалардан бири - бюджет даромадларини шакллантиришнинг моҳияти ва унинг принципларини аниқлашдан иборат. Бизнинг назаримизда, ушбу масалаларга аниқлик киритмасдан ва уларга нисбатан ўзимизнинг қатъий позициямизга эга бўлмасдан туриб, бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролини ошириш масаласини оқилона ҳал қилишнинг иложи йўқ<sup>4</sup>.

Бюджетнинг даромадлари миқдорий жиҳатдан яратилган (ишлаб чиқарилган) ялпи ички (миллий) маҳсулотда давлатнинг улушидан дарак беради. Уларнинг абсолют ҳажми ва салмоғи қуйидаги омиллар томонидан белгиланади:

мамлакатнинг ялпи ички (миллий) маҳсулотининг умумий ҳажми;

муайян даврдаги давлатнинг олдидан турган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа вазифалар.

Мамлакат тараққиётининг маълум бир босқичда юқоридаги омиллар асосида бюджетда маблағларни концентрация қилиш (тўплаш, йиғиш) миқдори ва уларни ундиришнинг шакл ва методлари аниқланади. Фикримизча, “бюджет даромадларини шакллантириш”га қуйидагича таъриф бериш мумкин: ***мамлакат ялпи ички (миллий) маҳсулотини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган даромадлар ва жамғармаларнинг бир қисмини бюджетга утказилишининг шакл ва методлари мажмуи ҳамда уларни амалиётда қўлланиш тартибига бюджет даромадларини шакллантириш дейилади.***

<sup>4</sup> Вахабов А.В., Срождинова З.Х. Государственный бюджет. Учебник. – Т.: Иқтисод - молия, 2007. с.121-203.

Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. 9-17-бетлар.

Л.А.Дробозина Учебник для вузов. – М.: ЮНИТИ, 2003. с.518.

М.Афанасьев. Основы бюджетной системы. Учебники высшей школы экономики. – М.: Изд. дом ГУ ВШЭ, 2004. с.52.

Бюджет даромадларини шакллантириш жараёни маълум принципларга таянади. Яъни, ушбу принципларни умумлаштирган ҳолда, куйидагича ифодалаш мумкин:

- субъектларнинг мустақил фаолият кўрсатишига шароит яратиш;
- ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бошқа мақсадлар учун корхонанинг режалаштирилган эҳтиёждан ортган суммаларни бюджетга олиш;
- субъектларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ҳолда вужудга келган даромадларнинг тўлиқ ёки қисман бюджетга олинishi;
- бюджет механизмнинг рағбатлантирувчи таъсирини таъминлаш;
- бюджет даромадларини шакллантиришда улушли иштирок этиш.

Иктисодий эркинлаштириш шароитида бюджет даромадларининг асосий қисми солиқлар ёрдамида бюджетга ундирилади. Бу нарса бюджет даромадларини шакллантириш принципларига ўзининг таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Шунинг учун ҳам, жаҳон амалиёти ва тажрибаси бюджет даромадларининг асосий қисми солиқлар ёрдамида шакллантирилаётганлигини инобатга олиб, бу жараёнда ҳаёт синовларидан муваффақиятли ўтган ва уларнинг тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаган қатор принциплардан фойдаланиш кераклигини исботлаб берган. Тегишли тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида уларни биз умумлаштиришга ва ягона бир тизимга келтиришга ҳаракат қилдик ва натижада куйидагиларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

- солиқларнинг бюджетга олинishi мамлакат миллий бойлиги манбаларига путур етказиши керак эмас;
- солиқлар уларни тўловчилар ўртасида тенг (адолатли) тақсимланмоғи лозим;
- солиқлар ишлаб чиқарувчиларнинг айланма фондлари ҳажмига таъсир кўрсатмаслиги лозим;
- солиқларнинг соф даромадга нисбатан ҳисобланиши;
- давлат учун солиқларнинг ундирилиши арзонроқ бўлиши лозим;
- солиқларнинг ундирилиш жараёни хусусий секторни сиқиб чиқармаслиги керак.

Охириги гуруҳга қирувчи принциплар маҳаллий солиқларга ҳам тўлиқ тегишли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг родини ошириш масаласини ушбу принципларга қай даражада риоя этилаётганлигини аниқлашдан туриб, ижобий ҳал этиш мумкин эмас. Бизнинг фикримизча, юқоридаги принципларга қатъий риоя этиш бюджет даромадларини шакллантиришда солиқлар, шу жумладан, маҳаллий солиқлар родини оширишнинг мустақкам гаровидир.

Маҳаллий солиқлар асосан ишлаб чиқариш билан шугулланувчи корхона ва ташкилотлардан олинганлиги сабабли, ишлаб чиқариш билан



шуғулланувчи корхона ва ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мухим масала ҳисобланади.

«Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда гоят мухим аҳамиятга эга. Озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган дастурларда мамлакатимиз ишлаб чиқариш корхоналари учун кенг қўламли рағбатлантириш тизими назарда тутилган. Жумладан, 2012 йилнинг 1 январигача ғўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирма ва кичик корхоналар учун бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга мақсадли равишда йўналтириш шарти билан ягона солиқ тўлови ставкасини 50 фоизга қисқартириш; тайёр ноозик-овқат товарларининг муайян турларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни фойда ва мулк солиқларидан, микрофирма ва кичик корхоналарни ягона солиқ тўловидан озод қилиш имтиёзлари берилмоқда»<sup>5</sup>.


Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ролига баҳо бериш учун, бизнинг фикримизча, дастлаб, бюджет даромадларининг таркиби ва уларнинг нималарга боғлиқ равишда классификация қилиниши тўғрисида тасаввурга эга бўлмоқ лозим. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, бюджет даромадлари мураккаб таркибга ва таркибий тузилмага эга бўлиб, улар ўзларининг манбалари, ижтимоий-иқтисодий характери, мулкчилик шакли, солиқ ва тўловларнинг тури, маблағларнинг тушиш шакли, уларни бюджетга ундириш методларига мувофиқ классификация қилиниши мумкин.

Бюджет даромадларининг таркиби ва уларнинг классификация қилиниши масаласи ҳозирги иқтисодий адабиётда етарли даражада ўз ифодасини топганлиги учун<sup>6</sup> биз, умумий тасаввур ҳосил қилиш мақсадида тадқиқот жараёнида муаллиф томонидан яратилган қуйидаги чизмани келтириш билан чекланамиз, (1-расм).

Тегишли таҳлил ишларини амалга ошириш натижасида биз томондан яхлит бир кўринишга келтирилган ва тизимлаштирилган бюджет даромадларининг таркиби ва уларнинг классификацияланишини ўзида яққол ифодаловчи 1-расм амалга оширилган тадқиқотларимизнинг ўзига хос натижаси бўлиб, унга асосланган ҳолда бюджет даромадларининг таркиби ва унда маҳаллий солиқларнинг ўрни хусусида айрим хулосалар қилиш мумкин.

<sup>5</sup> Каримов И.А. - Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишни йўлилари ва чоралари - Тошкент: "Ўзбекистон", 2009. - 35 б.

<sup>6</sup> Вахабов А.В., Срождиқдинова З.Х. Государственный бюджет. Учебник. - Т.: Иқтисод-молия", 2007. 121-203.; Маликов Т., Хайдаров Н. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2007. 9-17-б.; Маликов Т., Хайдаров Н. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. - Т.: Иқтисод-молия, 2007. 30-39-бетлар.



1-расм. Бюджет даромадларининг таркиби ва уларнинг классификацияланиши<sup>7</sup>

<sup>7</sup> Муҳимиф томонидан тузилган.

Дастлаб шу нарсани кайд этиш керакки, келтирилган 1-расмдаги 7 блокнинг<sup>8</sup> ҳар бирида бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ўрнига тегишли бўлган ҳолатлар мавжуд бўлса-да, улар 7 блокнинг 6 тасида яққол кўринмайди. Буни биз, бюджет даромадларининг таркиби солиқ ва тўловларнинг турларига қараб классификация қилингандагина аниқ кўра олиш имкониятига эга бўламиз. Унга кўра, бюджет даромадларининг бир қисми ўзига хос тарзда “Умумдавлат солиқлари” номини олган бўлса, иккинчи қисми эса, “Маҳаллий солиқлар” номига эга бўлган ва бундай номланиш 2008 йилнинг 1 январидан қучга киритилган янги таҳрирдаги “Солиқ кодекси”нинг 23-моддасида ўз ифодасини топган.

Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг роли масаласи, аксарият ҳолларда, улар салмоғининг даражаси билан изоҳланишга ҳаракат қилинади. Шунга мос равишда, агар тегишли салмоқни ифодаловчи кўрсаткич юқори бўлса, роли юқори ва аксинча, паст бўлса, роли ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас деган хулосага келинади. Ана шундай ёндошувга таянган ҳолда, бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг родини характерловчи маълумотлар 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**  
**Ўзбекистон Республикасида 2003-2007 йилларда бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг роли**

Кўрсаткичлар	Й и л л а р				
	2003	2004	2005	2006	2007
1. Бюджет даромадларининг умумий суммаси, млрд.сўмда	1568,8	1871,9	2564,1	3220,9	4376,0
2. Маҳаллий солиқларнинг умумий суммаси, млрд.сўмда	201,9	267,9	342,8	468,2	655,5
3. Маҳаллий солиқларнинг бюджет даромадларидаги салмоғи, % да	12,87	14,31	13,37	14,54	14,98

1-жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин: таҳлил қилинаётган давр мобайнида барча омиллар ҳисобидан маҳаллий солиқларнинг ўсиш суръатлари бюджет даромадларининг барча ўсиш суръатларидан анча юқори ва ушбу кўрсаткичнинг даражаси 1,16 га (3,25 : 2,79) тенг бўлган; бунинг натижасида бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг салмоғи ҳам 2003 йилдаги 12,87% нинг ўрнига 2007 йилда 14,98% га тенг бўлган ва демак, тадқиқот ишлари амалга оширилган йилларда унинг салмоғи 2,12 пунктга ёки 16,4% га (14,98 : 12,87 x 100)

<sup>8</sup> Бу ерда бюджет даромадлари таркибининг классификацияланиш белгилари алоҳида олинган блок сифатида қаралган.

ошган; шу давр бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролининг ўсиб бораётгани билан характерланади: шу жараёнда маҳаллий солиқлар ролининг ўсиб бориши катъийлик (барқарорлик) характерига эга; кейинги йилларда мамлакатимизда бюджет даромадларининг 13-15% шу солиқлар эвазига шаклланыпти ва бу нарса бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролининг қандай эканлигини яққол кўрсатади ҳамда солиқлар ролини оширишнинг долзарб эканлигидан дарак беради.

1-жадвал маълумотларини таҳлил қилиш асосида олинган хулосалар, умумдавлат манфаатлари нуқтаи-назаридан қараганда унчалик принципиал аҳамиятга эга эмасдек туюлади. Лекин, масалага маҳаллий бюджетларнинг даромадларини шакллантириш нуқтаи-назаридан қаралса, кўтарилган масаланинг нақадар долзарб эканлиги яққол кўринади-қўяди.

Бир вақтнинг ўзиде 1-жадвалда келтирилган маълумотлар бутун Ўзбекистон бўйича олинганлиги ва уларнинг ўртача кўрсаткичлардан иборат эканлиги ҳисобга олинмаган бўлса, масалани вилоятлар мисолида кўриб чиқиши лозимлиги кун тартибига қўйилади. Ушбу ҳолатнинг республикамиз вилоятлари бўйича қандай эканлигини кўрсатувчи маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

**2003-2007 йилларда Ўзбекистоннинг маъмурий ҳудудлари бўйича бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг роли<sup>9</sup>**  
(% да)

Маъмурий ҳудудлар	Й и л л а р					Урта-часи
	2003	2004	2005	2006	2007	
Қорақалпоғистон Респ.	10,87	11,45	12,70	15,15	14,01	12,84
Андижон вилояти	13,72	16,45	18,33	17,91	17,60	16,80
Бухоро вилояти	10,20	12,49	12,98	13,34	10,45	11,89
Жиззах вилояти	14,91	15,91	18,44	18,27	17,84	17,07
Қашқадарё вилояти	16,21	18,57	18,27	19,05	14,65	17,35
Навоий вилояти	13,52	13,90	6,31	6,53	8,34	9,72
Наманган вилояти	15,45	17,41	17,78	20,42	21,03	18,42
Самарқанд вилояти	14,35	18,11	17,07	17,65	20,00	17,44
Сурхондарё вилояти	15,20	17,02	16,27	18,76	18,18	16,89
Сирдарё вилояти	13,61	14,22	14,05	13,59	14,47	13,99
Тошкент вилояти	11,67	14,50	11,83	13,14	14,90	13,21
Фарғона вилояти	10,87	11,90	12,91	12,61	12,17	12,10
Хоразм вилояти	10,13	10,79	11,91	15,78	17,55	13,23
Тошкент шаҳри	13,22	13,54	14,82	17,64	19,01	15,65
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>12,87</b>	<b>14,31</b>	<b>13,37</b>	<b>14,54</b>	<b>14,98</b>	<b>14,01</b>

<sup>9</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан гузилган.

2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, республикамиздаги мавжуд 14 та маъмурий ҳудудларнинг 7 тасида бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг салмоғи ушбу кўрсаткичнинг республикадаги ўртача даражасидан бирмунча паст бўлиб, шу тоифага кирувчиларнинг фақат Хоразм вилоятида 2003-2007 йилларда бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг родини ошириш борасида катъийлик билан изчил сиёсат олиб борилган ва бунинг натижасида маҳаллий солиқларнинг вилоят бюджети даромадларини шакллантиришдаги салмоғи таҳлил қилинган йилларда (2003 йилда – 10,13% ва 2007 йилда эса – 17,55%) барқарор ўсиш суръатига эга бўлган; худди шундай тадбирларнинг амалга оширилганлиги Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилояти учун хос бўлиб, бироқ бу маъмурий ҳудудларда бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролининг ошиб бориши 2003-2006 йиллар оралиғида кузатишга бўлса-да, 2007 йилга келиб уларда вазият ўзгарган ва бу йилги кўрсаткичлар улардаги умумий тенденцияга мос тушмайди; бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар родини оширишга хос бўлган умумий тенденция Навоий, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида 2005 йилга келиб, бироз салбий томонга ўзгарган ва охир-оқибатда, республикамиздаги умумий тенденциянинг ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатган; шу ўринда Фарғона вилоятида вужудга келган вазиятни алоҳида қайд этиб ўтиш керак, чунки вилоятда бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролининг ошириб борилганлиги 2003-2005 йилларда кузатилади ва аксинча, кейинги 2005-2007 йиллар оралиғида пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Тадқиқ этилган йилларда бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг даражаси республикадаги ўртача даражадан паст бўлган маъмурий ҳудудларда бу жараёнга тегишли бўлган умумий ҳолат сақланган бўлса-да, айрим маъмурий ҳудудларда тесқари ҳолатнинг вужудга келганлиги ушбу жойларда тегишли резервларнинг мавжуд эканлигидан дарак беради. Шу муносабат билан ушбу ҳолатда вазифа бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг родини ошириш борасида мавжуд бўлган резервларни кидириб топиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш билан беvosита боғланган бўлиши керак.

Фикримизча, бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг салмоғи уларнинг родини белгилловчи ягона кўрсаткич бўлмаслиги керак. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича, ҳар қандай мамлакатнинг миллий иктисодиётида қўлланилаётган бюджет даромадлари тизимининг самарадорлиги устун даражада маблағларнинг бюджетга тушумини ташкил этишга бориб тақалади. Бошқача сўзлар билан айтганда, бюджетга тегишли бўлган маблағларнинг бюджетга тушумини қандай ташкил этилганлигига қараб бюджет даромадлари тизимининг самарадорлигини аниқлаш ва бюджет даромадларини шакллантиришда уларнинг ролига баҳо бериш мумкин. Бизнинг назаримизда, масалага ушбу тарзда ёндошиш асосида бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг родини объектив, комплекс тарзда баҳоласа бўлади. Бунинг

учун. маблағларнинг бюджетга тушумини ташкил этишининг тегишли тартиби (кўрсаткичлари)ни ишлаб чиқиш лозим.

Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг родини ошириш масаласини бюджетга тегишли бўлган маҳаллий солиқларни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш, маҳаллий солиқлар тушумининг ҳажми ва муддатлари аниқлаш тартибини белгилаш, маҳаллий солиқларнинг бюджетга ўтказиш тартибини аниқлаш, бюджетга маҳаллий солиқлар тўловчиларни ҳисобга олиш, бюджетга маҳаллий солиқлар тўловчиларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаш, бюджетга маҳаллий солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, бюджетга маҳаллий солиқларни ундиришда солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашсиз тасаввур этиб бўлмайди. Юқоридагиларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат ва бюджетга маҳаллий солиқлар тўловчилар ўртасидаги манфаатларнинг оқилоналигини таъминлашга ҳам жиддий эътибор бериш лозим.

Диссертация ишида бюджет даромадларини маҳаллий солиқлар ҳисобидан шакллантириш амалиётининг таҳлили уларнинг ҳар бир конкрет тури (мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ) бўйича амалга оширилиб, унга баҳо берилган, (3-жадвал):

- мол-мулк солиғи суммаларининг ўсиш суръатлари бюджет умумий даромадлари суммаларининг ўсиш суръатларидан паст бўлганлиги учун бюджет даромадларини шакллантиришда унинг салмоғи ҳам 2003 йилдаги 4,55% нинг ўрнига 2007 йилда 4,36% га тенг бўлган. Тадқиқот амалга оширилган йилларда унинг салмоғи 0,19 пунктга камайган. Тадқиқот ўтказилган йилларда бюджет даромадларини шакллантиришда мол-мулк солиғининг роли беқарор характерга эга. Таҳлилларимиз кўрсатишича мол-мулк солиғининг жами маҳаллий солиқлар суммаларига нисбатан салмоғи 2003-2007 йилларда, шу жумладан, 2004 йилдан бошлаб пасайиш тенденциясига эга бўлган. Унинг салмоғи 2004 йилда 37,26%ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткичнинг даражаси 2007 йилда 29,09%га тенг бўлган, яъни 8,17 пунктга пасайган;

- ер солиғи суммаларининг ўсиш суръатлари бюджет умумий даромадлари суммаларининг ўсиш суръатларидан юқори бўлганлиги учун бюджет даромадларини шакллантиришда унинг салмоғи 2003 йилдаги 3,28% ўрнига 2007 йилда 3,62% га тенг бўлган ёки унинг салмоғи 0,34 пунктга ортган. Тадқиқотлар кўрсатишича, 2003-2007 йилларда бюджет даромадларини шакллантиришда ер солиғининг роли барча маҳаллий солиқларнинг умумий суммасига тегишли бўлган қатъийлик ва барқарорлик тенденциясига деярли мос тушади (2004 йилги кўрсаткич буидан мустасно); ер солиғининг жами маҳаллий солиқлар суммаларига нисбатан салмоғи 2003-2007 йилларда, шу жумладан, 2004 йилдан бошлаб пасайиш тенденциясига эга. Унинг салмоғи 2004 йилда 26,76%ни ташкил этган бўлса, 2007 йилга келиб 24,14%га тенг бўлган, яъни 2,62 пунктга пасайган;

**3-жадвал**

**Ўзбекистон Республикасида 2003-2007 йилларда бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ўрни<sup>10</sup>**

(% да)

Кўрсаткичлар	Й и л л а р				
	2003	2004	2005	2006	2007
1. Мол-мулк солиғи:					
- бюджет даромадларига нисбатан	4,55	5,33	4,79	5,06	4,36
- маҳаллий солиқларга нисбатан	35,38	37,26	35,55	34,77	29,09
2. Ер солиғи:					
- бюджет даромадларига нисбатан	3,28	3,83	3,43	3,51	3,62
- маҳаллий солиқларга нисбатан	25,47	26,76	25,67	24,13	24,14
3. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи:					
- бюджет даромадларига нисбатан	2,59	2,48	2,38	3,07	4,10
- маҳаллий солиқларга нисбатан	20,16	17,34	17,84	21,13	27,39
4. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ:					
- бюджет даромадларига нисбатан	2,44	2,67	2,76	2,90	2,90
- маҳаллий солиқларга нисбатан	18,97	18,63	20,62	19,96	19,37

- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммасининг ўсиш суръатлари бюджет умумий даромадлари суммаларининг ўсиш суръатларидан юкори бўлганлиги учун бюджет даромадларини шакллантиришда унинг салмоғи 2003 йилдаги 2,59% ўрнига 2007 йилда 4,10% га тенг бўлган ва демак, тадқиқот ишлари амалга оширилган йилларда унинг салмоғи 1,51 пунктга ортган. Таҳлилларимиз кўрсатишича, 2003-2007 йилларда бюджет даромадларини шакллантиришда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг роли барча маҳаллий солиқларнинг умумий суммасига хос бўлган катъийлик ва барқарорлик тенденциясига унчалик тўлиқ мос тушмайди. Ушбу кўрсаткич 2003-2005 йилларда пасайиш ва 2005-2007 йилларда эса ортиш тенденциясига эга; бир вақтнинг ўзида, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг жами маҳаллий солиқлар суммаларига нисбатан салмоғи 2004-2007 йиллар оралиғида узлуксиз ўсиш тенденциясига эга. Унинг салмоғи 2004 йилда 17,34%ни ташкил этган бўлса,

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ушбу кўрсаткичнинг даражаси 2007 йилда 27.39%га тенг бўлган, яъни 10,05 пунктга ортган;

- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммасининг ўсиш суръатлари бюджет умумий даромадлари суммаларининг ўсиш суръатларидан юкори бўлганлиги учун бюджет даромадларини шакллантиришда салмоғи таҳлил қилинаётган йилларда муттасил ўсиб бориш характерига эга бўлган. Тадқиқотлар кўрсатишича, 2003-2007 йилларда бюджет даромадларини шакллантиришда жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқнинг роли барча маҳаллий солиқларнинг умумий суммасига тегишли бўлган катъийлик ва барқарорлик тенденциясига тўлиқ мос тушади.

### 3. ХУЛОСА

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида куйидаги илмий хулосалар олинди ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ролини ошириш муаммоларини татқиқ этишда “бюджет даромадлари”, “бюджет даромадларини шакллантириш” тушунчаларининг моҳиятини аниқлаш ва “бюджет даромадларини шакллантириш принциплари”ни шакллантириш лозим;

2. Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ролига баҳо бериш учун бюджет даромадларининг таркиби ва уларнинг нималарга боғлиқ равишда классификация қилиниши тўғрисида тасаввурга эга бўлиш лозим;

3. Иқтисодий адабиётда бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ролини, аксарият ҳолларда, уларнинг салмоғи билан изоҳлашга ҳаракат қилинади. Шунга мос равишда, агар тегишли салмокни ифодаловчи кўрсаткич юкори бўлса, роли юкори ва аксинча паст деган хулосага келинади. Бизнингча, бундай ёндошув бир томонламалик характерига эга бўлиб, бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ролини тўлиқ очиб беролмайди;

4. Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ролини ошириш масаласини бюджетга тегишли бўлган маҳаллий солиқларни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш, маҳаллий солиқлар тушумининг ҳажми ва муддатларини аниқлаш тартибини белгилаш, маҳаллий солиқларнинг бюджетга ўтказиш тартибини аниқлаш, бюджетга маҳаллий солиқлар тўловчиларни ҳисобга олиш, бюджетга маҳаллий солиқлар тўловчиларнинг жавобгарлигини аниқ белгилаш, бюджетга маҳаллий солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ ўтказилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш, бюджетга маҳаллий солиқларни ундиришда солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бир вақтнинг ўзида, юкоридагиларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат ва бюджетга маҳаллий солиқлар тўловчилар ўртасидаги



манфаатларнинг оқилоналигини таъминлашга ҳам катта эътибор бермок лозим.

5. Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ролини ошириш учун амалиётда қуйидаги амалий таклифларнинг жорий этилиши мақсадга мувофиқдир:

- барча жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулкларнинг инвентаризацион қийматини аниқланишига тўлиқ эришиш ва уларни солиққа тортишдаги “мол-мулкнинг шартли қиймати”дан фойдаланиш амалиётига чек қўйиш керак; жисмоний шахслар мол-мулки қийматининг инфляция суръатларига мос равишда узлуксиз қайта баҳоланишига эришиш ва уларнинг ҳақиқий бозор баҳосини аниқлаш зарур; жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ставкасини аҳолининг даромадлари, унинг тўлов қобилияти, ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан қандай фойдаланаётганлиги ва унинг самарадорлиги нуқтаи-назарларидан қайта кўриб чиқиш лозим; бюджет ва шу жумладан, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантиришда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг ролини ошириш масаласини ноанъанавий йўللардан фойдаланган ҳолда ҳал этиш лозим;

- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича жорий тўловларни амалга ошириш муддатини юридик шахс эга бўлган мол-мулк қийматининг миқдорига боғлиқ равишда ўрнатиш мақсадга мувофиқ; юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиққа нисбатан тўлов муддатларини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентларига белгиланган турли ёндошувларга барҳам бериб, ушбу масалада бирхилликни таъминлаш зарур;

- мол-мулк солиғини тўлашда факат солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтган жойи эмас, балки мол-мулкнинг жойлашган жойи ҳам ҳисобга олинishi лозим;

- соддалаштирилган тизимга ўтган юридик шахслар томонидан тўланган ягона солиқ тўловининг мол-мулк солиғи қисмини ёки белгиланган ўртача фоизда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини янада мустаҳкамлаш ва бунда маҳаллий ҳокимият органларининг манфаатдорлигини ошириш учун маҳаллий бюджетларга ўтказиш мақсадга мувофиқ;

- янги ташкил этилган кишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар белгиланган имтиёзли даврдан кейин уч йил ўтгунига қадар тугатилган тақдирда, солиқ суммаси уларнинг бутун фаолият даври учун тўлиқ миқдорда ундирилиши керак;

- тегишли ресурсларнинг чекланганлиги, уларга бўлган талабнинг катталиги, улардан тежаб-тергаб фойдаланишнинг зарурлиги, баҳоларнинг ошиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ставкасини ошириш ва уни ягона бир тизимга келтириш лозим;

- республикамиз ва унинг барча маъмурий ҳудудлари бўйича маҳаллий солиқлар режа кўрсаткичларининг бажарилиш аҳволини бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ролини ошириш ва бунда маҳаллий солиқларнинг ундириш механизмини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан қараб махсус тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва уни муваффақиятли амалга оширишга эришиш керак.

Бизнинг назаримизда, хусусан, юкоридаги тақлифларнинг амалга оширилиши бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ролини анча юкори поғонага кўтарган бўлур эди.

#### 4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Абибуллаев Б.О. Маҳаллий солиқлар // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2008.- №1. –Б. 70-72.

2. Абибуллаев Б.О. Хотиржамликка ўрин йўқ // Солиқ тўловчининг журнали. – Тошкент, 2008. - №3. –Б.42-44.

3. Абибуллаев Б.О. Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ўрни (бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролини ошириш масалалари) // Вестник Каракалпакского отделения Академии наук Республики Узбекистан. – Нукус, 2008. -№1. –Б. 44-46.

4. Абибуллаев Б. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ ва унинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент: 2008. - №3. –Б. 105-109.

5. Абибуллаев Б. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ хусусида айрим мулоҳазалар // Мамлакат солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш – иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2008. –Б. 10-13.

6. Абибуллаев Б. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ // Мамлакат солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш – иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида: республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2008. –Б. 18-20.

7. Абибуллаев Б.О. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ // Международный опыт создания финансово-промышленных групп и проблемы совершенствования корпоративного управления в Узбекистане: материалы международной научно-практической конференции. Часть 1. – Москва, 2008. – С.278-282.

8. Абибуллаев Б. Республика бюджетида солиқларнинг ўрни // Замонавий халқаро муносабатлар: илмий-амалий конференция материаллари. ЖИДУ илмий тўплами. – Тошкент, 2008. –Б.38-40.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Б.О.Абибулласвнинг 08.00.07 – “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги бўйича “Бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролини ошириш масалалари” мавзусидаги диссертациясининг

## РЕЗЮМЕ СИ

**Таянч сўзлар:** бюджет даромадлари, бюджет даромадларини шакллантириш, маҳаллий солиқлар, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

**Тадқиқот объеклари:** Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими, шу жумладан, маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш жараёнлари.

**Ишнинг мақсади:** бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни оқилона ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот методлари:** кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, такқослаш, иқтисодий-статистик усуллар.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш амалиётининг замонавий бозор иқтисодиёти талабларига старли даражада жавоб бераолмаётганлиги ва унинг нооқилона эканлиги аниқланган; бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқлар ролини, салмоғини ва ундириш механизмини такомиллаштириш орқали амалга оширишнинг зарурлиги илмий жиҳатдан асосланган; маҳаллий солиқларнинг бюджет даромадларини шакллантиришдаги ролини оширишга хизмат қилувчи илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Амалий аҳамияти:** тадқиқот ишининг илмий таклиф ва амалий тавсиялари бюджет даромадларини шакллантиришда маҳаллий солиқларнинг ролини ошириш масалаларини ҳал қилишда фойдаланилиши мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқотнинг асосий илмий натижалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан амалиётда фойдаланиш учун қабул қилинган. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Солиқлар ва солиққа тортиш”, “Солиқ назарияси”, “Солиқни прогноз қилиш” фанларининг ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Қўлланиш соҳаси:** Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, олий ўқув юртлари.

## РЕЗЮМЕ

диссертации на тему: «Вопросы повышения роли местных налогов в формировании доходов бюджета» по специальности 08.00.07 - «Финансы, денежное обращение и кредит», соискателя ученой степени кандидата экономических наук Б.О.Абибуллаева

**Ключевые слова:** доходы бюджета, формирование доходов бюджета, местные налоги, налог на имущество, земельный налог, налог на благоустройство и развитие социальной инфраструктуры, налог с физических лиц на потребление бензина, дизельного топлива и газа для транспортных средств.

**Объекты исследования:** бюджетная система Республики Узбекистан, в том числе процессы формирования доходной части местных бюджетов.

**Цель работы:** разработка научных предложений и практических рекомендаций, направленных на разумное решение проблем связанных с местными налогами в формировании доходов бюджета.

**Метод исследования:** наблюдение, обобщение, группировка, сравнение, экономико-статистические методы.

**Полученные результаты и их новизна:** выявлено, что имеющаяся практика формирования доходов местных бюджетов не отвечает в достаточной степени требованиям современной рыночной экономики и является неоптимальной; научно обоснована необходимость увеличения роли и доли местных налогов в формировании доходов бюджета путем совершенствования механизма взимания налогов; разработаны научные предложения и практические рекомендации по повышению роли местных налогов в формировании доходов бюджета.

**Практическая значимость:** научные предложения и практические рекомендации научного исследования могут быть использованы при повышении роли местных налогов в формировании доходов бюджета.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** основные научные результаты исследования приняты для внедрения в практику со стороны Министерства финансов Республики и Государственного налогового комитета. Материалы диссертации могут быть использованы для совершенствования учебных программ курсов: «Налоги и налогообложение», «Теория налогов», «Прогнозирование налогов» и в процессе преподавания в высших учебных заведениях.

**Область применения:** Министерство финансов, Государственный налоговый комитет, высшие учебные заведения.

## RESUME

Thesis of Abibullaev B.O., on the scientific degree competition of the doctor of (philosophy) in Economics, speciality of 08.00.07 – “Finances, money circulation and credit”, subject: “Increasing of local taxes role in budget revenues formation”

**Key words:** budget revenues, budget revenues formation, local taxes, estate tax, land tax, improvement and social infrastructure development tax, individuals' tax, tax for benzene, diesel oil and gas for transport facility usage.

**Subject of the inquiry:** budget system of the Republic of Uzbekistan, including local budgets and the process of revenue part of local budgets formation.

**Aim of the inquiry:** development of scientific offers and practical recommendations, directed to the reasonable problem-solving related to local taxes in budget incomes forming.

**Method of inquiry:** survey, generalization, bunching, comprising, economical-statistical methods.

**The results achieved and their novelty::** It was ascertained that the existing practice of local budgets revenues formation does not meet the modern market economy requirements and is unreasonable; scientific justified the necessity of the role and part of local taxes in budget incomes forming increasing by the development of levy of taxes mechanism; scientific statements and practical recommendations on increasing of local taxes role in formation of budget revenues have been developed.

**Practical value:** scientific statements and practical recommendations of scientific research can be used while increasing of local taxes role in formation of budget revenues.

**Degree of embed and economical effectivity:** Main scientific results of research have been accepted for the introduction to the practice from the side of Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan and State Tax Committee. Dissertation materials can be used for improvement of higher educational institutions programs on the subjects: “Taxing”, “Tax theory”, “Tax forecasting” and in study process.

**Sphere of usage:** Ministry of Finance, State Tax Committee, Higher Education Institutions.



Босишга рухсат этилди 1.06.2009  
Бичими 60x84 1/16. Босма табаги 1,5.  
Алади 100 нусха. Буюртма № С-5080.

«Ўзбекистон» нашриёт-маъбаа  
ижодий уйида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,  
100129, Навоий кўчаси, 30 уй.